

Куч – адолатда

Адл ила олам юзин обод қил!

2026 йил
24 июль,
жума
№ 28-29
(1115)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.kuch-adolatda.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

МУСТАҚИЛЛИККА МУНОСИБ ТУҲФАЛАР

Мустақиллик байрами арафасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида эзгу мақсадга хизмат қиладиган, инсон қадрини юксалтиришга қаратилган бунёдкорлик ишлари янада жадал тус олмақда. Жиззах вилоятида амалга оширилаётган йирик ижтимоий қурилиш лойиҳалари ҳам ана шу эзгу саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодаси бўлиб, улар юрт равақи, аҳоли фаровонлиги ва келажак авлод манфаатларига хизмат қилиши билан алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан Жиззах вилоятида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган йирик ижтимоий объектларда қурилиш ишлари якуний босқичга етди. 2026 йил 10 июль ҳолатига кўра, умумий қиймати 116,5 миллиард сўм бўлган 10 та йирик объектда қурилиш-монтаж ишларининг 107,3 миллиард сўмлик қисми, яъни 92 фоизи бажарилгани бунёдкорлик ишлари белгилаб олинган режа асосида изчил давом этаётганини кўрсатади.

Бу рақамлар ортида оддий ҳисоб-китоб эмас, балки минглаб инсонларнинг эртанги кунига дахлдор эзгу мақсадлар мужассам. Янги мактаблар, кенгайтирилаётган ўқув бинолари, замонавий спорт иншоотлари ва давлат муассасалари учун барпо этилаётган қулай шароитлар аҳолининг ҳаёт сифати ва ижтимоий инфратузилмани янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Фойдаланишга топширилиши режалаштирилган объектларнинг 9 таси умумтаълим мактабларидир. Уларнинг умумий қиймати 62 мил-

лиард сўмни ташкил этади. Бугунги кунга қадар ушбу маблагнинг 56 миллиард сўмлик қисми ўзлаштирилган бўлиб, қурилиш ишлари 90 фоизга етган.

Бахмал, Ғаллаорол, Зомин ва Шароф Рашидов туманларидаги мазкур таълим муассасаларида реконструкция ишлари, мукаммал таъмирлаш ҳамда қўшимча ўқув бинолари барпо этиш ишлари амалга оширилмоқда. Бу эса нафақат бинолар қиёфасини ўзгартиради, балки таълим сифати учун янги имкониятлар эшигини очади.

Айниқса, қўшимча ўқув ўринларининг яратилиши аҳолиси ўсиб бораётган ҳудудларда таълим тизими юқини енгиллаштиришга хизмат қилади. Жумладан, Бахмал туманидаги 8-сонли мактаб филиалида 330 янги ўқувчи ўрни, Ғаллаорол туманидаги 62-сонли мактабда 270, Шароф Рашидов туманидаги 6-сонли мактабда 480, Зомин туманидаги 26-сонли мактабда эса 180 янги ўқув ўрни ташкил этилиши кўзда тутилган.

Эътиборлиси, шу билан чекланиб қолинмаётганидир. Бир қатор мактабларда янги спорт заллари қурилмоқда. Натижада юзлаб ўқувчилар учун замонавий, хавфсиз ва барча қулайликларга эга таълим муҳити шакллантирилмоқда. Чунки бугунги кунда замонавий таълим сифатли дарслик ёки малакали ўқитувчи билангина эмас, балки муносиб инфратузилма билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Қувонарлиси, айрим объектларда ишлар тўлиқ якунланган. Хусусан, Бахмал туманидаги 39- ва 62-сонли, Ғаллаорол туманидаги 57-сонли, Зомин туманидаги 26-сонли мактаб-

ларда қурилиш ишлари 100 фоизга бажарилган. Ушбу объектлар белгиланган муддатларда фойдаланишга топшириш учун тўлиқ тайёр ҳолатга келтирилган.

Қолган объектларда ҳам ишлар юқори суръатларда давом этмоқда. Жумладан, Шароф Рашидов туманидаги 6-сонли мактабда қурилиш даражаси 82 фоиз, Бахмал туманидаги 8-сонли мактаб филиалида 78 фоиз, Ғаллаорол туманидаги айрим мактабларда эса 87–95 фоизни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткичлар қурилиш ишлари белгиланган режа асосида изчил олиб борилаётганини яна бир бор тасдиқлайди.

Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилиши кутилаётган яна бир муҳим объект — Жиззах вилояти прокуратурасининг янги маъмурий биносидир.

Унинг умумий қиймати 54,4 миллиард сўм бўлиб, бугунги кунга қадар 51,2 миллиард сўмлик ишлар бажарилган. Қурилишнинг тайёрлик даражаси 94 фоизни ташкил этмоқда. Янги маъмурий бино прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, фуқаролар учун қулай ва замонавий хизмат кўрсатиш муҳитини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумотларга кўра, барча 10 та объект учун режалаштирилган маблағлар тўлиқ ажратилган бўлиб, лойиҳалар Республика бюджетига маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, ҳисоботда бирор-бир объект бўйича қурилиш ишларига тўсқинлик қиладиган муаммо қайд этилмаган. Бу эса барча ишлар белгиланган режа ва график асосида олиб борилаётганини, шунингдек, объектларни 2026 йил 20 августга қадар фойдаланишга топшириш учун барча имкониятлар мавжудлигини аниқлатади.

— Асосийси, бу қурилишлар фақат ғишт, бетон ва темирдан иборат иншоотлар эмас. Улар илм олишга интилаётган болаларнинг орзулари, педагогларнинг самарали меҳнати, давлат хизматлари сифати ва инсон манфаатларига хизмат қиладиган замонавий муҳитнинг мустаҳкам пойдеворидир, — дейди Жиззах вилояти ҳокимининг қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича уринбосари Шухрат Жўраев.

— Мустақиллиكنинг 35 йиллиги муносабати билан барпо этилаётган мазкур объектлар Жиззах вилоятининг ижтимоий қиёфасини янада юксалтириш, таълим инфратузилмасини янги босқичга олиб чиқиш, давлат муассасалари фаолияти учун муносиб шароит яратиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири сифатида тарихга муҳрланади.

Энг муҳими, 116,5 миллиард сўмлик бунёдкорлик дастурининг 92 фоизи аллақачон амалга оширилгани, маблағларнинг тўлиқ ўзлаштирилгани ва қурилиш жараёнида тизимли муаммолар қайд этилмагани Мустақиллик байрами арафасида Жиззах аҳоли учун муносиб байрам туҳфалари тайёрланаётганининг энг ишончли далилидир. Зеро, Ватан тараққиёти аввало инсон учун яратилаётган шароитлар, фарзандлар таълим оладиган мактаблар ва халқ манфаатига хизмат қиладиган замонавий иншоотларда намоён бўлади.

Абдужалол ҚАЮМОВ,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ҚАРОРИ

2026 йил 3 июль

№ 18

Тошкент шаҳри

Судлар томонидан фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги ишларни кўриш амалиёти тўғрисида

Фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш унинг ҳуқуқий мақомига, мулкӣ ҳаmda бошқа қонуний манфаатларига бевосита таъсир кўрсатиши, бундай масалалар қонунда белгиланган тартибда фақат суд томонидан ҳал этилиши ва бу жараёнда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муҳим вазифа эканлигини инобатга олиб, мазкур тоифадаги ишларни кўришда қонунчилик ҳужжатларини тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра (19-моддасининг биринчи қисми) мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига биноан ҳамда мазкур Конституцияга мувофиқ эътироф

этилади ва кафолатланади. Фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиш лаёқати (ҳуқуқ лаёқати) туғилган пайтдан вужудга келиб, вафот этиши билан тугайди.

(Давоми 2-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ҚАРОРИ

2026 йил 3 июль

№ 19

Тошкент шаҳри

Фуқаролик ишлари бўйича, маъмурий ва иқтисодий судлар томонидан даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чораларини кўришнинг айрим масалалари тўғрисида

Даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чораларини кўришда доир қонунчилик ҳужжатларининг судлар томонидан тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларнинг эътибори даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чораларини кўриш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси (бундан буён матнда ФПК деб юритилади), Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади), Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МСИЮТК деб юритилади), “Суд ҳужжатлари ва

бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинишга қаратилсин. 2. Даъвони таъминлаш чораларини қўллашнинг мақсади суд ҳужжати ижросини қийинлаштириши ёки уни бажариб бўлмайдиган қилиб қўйишини, шунингдек, жавобгар томонидан мол-мулкни яширилиши ёки бегоналаштирилишининг олдини олишга қаратилган.

(Давоми 3-бетда) ►



ЯНГИ ҚОНУН:

ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА НАЗОРАТНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН

Мамлакатимизда бино ва иншоотларни лойиҳалаш ҳамда экспертизадан ўтказишда янги сейс.мологик кўрсаткичлардан фойдаланиш ҳолати юзасидан 2017 – 2024 йиллар давомида қурилган 8 минг 974 та ва 2025 йилда 2 минг 559 та кўп хонадонли уйларнинг зилзилабардошлиги хатловдан ўтказилган. Бу масъулиятли вазифа Бош прокуратура томонидан тегишли вазирлик ва идораларнинг мутахассисларини жалб қилган ҳолда амалга оширилган.

(Давоми 5-бетда) ►



Қобилжон ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенати
Бюджет ва иқтисодий
масалалар қўмитаси
раиси уринбосари

Бундан автотранспорт ҳайдовчилари жуда яхши билишади. Чунки йўлдаги кичик бир қоидабузарлик ҳам оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Хусусан, ўтган йили юртимизда содир бўлган 9 минг 226 та йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида 8 минг 901 нафар киши жароҳатланган. Энг ачинарлиси, 2 минг 188 нафар инсон ҳаётдан эрта қўз юмган.

Долзарб мавзу

Йўл ҳуқуқбузарлиқни кечирмайди

Маълумки, маст ҳолда транспорт воситасини бошқариш маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Аммо ана шу ҳуқуқбузарлик кўплаб инсонларнинг умрига зомин бўлиши ёки жиноятга айланиши мумкин.

(Давоми 4-бетда) ►

Шарҳ

Даъво институтини маъмурий судлар фаолиятига жорий этишнинг истиқболлари



Ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнида давлат идоралари билан ўзаро муносабатларда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу вазифани амалга оширишда маъмурий судлар фаолияти алоҳида ўрин тутади.

Маъмурий суд ишларини юритишнинг замонавий моделида даъво институтининг жорий қилиниши суд ҳимояси механизмларини такомиллаштириш, тарафларнинг процессуал ҳуқуқларини аниқ белгилаш ҳамда суд амалиётида ягона ёндашувни шакллантиришга хизмат қилади.

(Давоми 5-бетда) ►



Акмал МУРОДОВ,
Олий суд судьяси



Ўлмас УМАРБЕКОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Қизимга мактублар

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Ҳаммамиз ётдик. Ётган жойимда бундай қарасам, беш юз-олти юз метр наридаги сершоҳ дарахтнинг устида бир одам курси қўйиб ўтирибди. Қўлида милтиқ. Немис снайпери шу эканини дарров пайқадим. Шу топ унинг ёнида яна битта калла кўринди. Улар икки киши экан.

Иккаловининг қўлида дурбинли милтиқ. Капитанга қараб, қўлимни оғзимга тутиб, «жим ётинг», дегандек ишора қилдим. Тушунди. Мен бир сакраб, ўзимни йўғон дарахт панасига олдим. Немислар, афтидан, мени кўришмади. Пойлаб туриб, биттасини отиб таширдим.

(Давоми 6-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
Қ А Р О Р И

Судлар томонидан фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги ишларни кўриш амалиёти тўғрисида

◄(Бошланиши 1-бетда)

Фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш ва бурчларини бажариш лаёқати (муомала лаёқати) эса, у ўн саккиз ёшга тўлгач ёки тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилинганида (эмансипация) тўла ҳажмда вужудга келади. Фуқарони муомала лаёқати чекланган деб топиш ёки бундай чеклашни бекор қилиш ҳамда фуқарони муомалага лаёқатсиз ёки муомалага лаёқатли деб топиш тўғрисидаги ишларни қонунийликка қатъий риоя қилган ҳолда ўз вақтида ва тўғри ҳал қилиниши фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати ҳисобланади.

2. Фуқарони муомала лаёқати чекланган деб топиш ёки бундай чеклашни бекор қилиш ҳамда фуқарони муомалага лаёқатсиз ёки муомалага лаёқатли деб топиш ҳақидаги аризалар суд томонидан алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган ишлар тоифасига киради ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (бундан буён ФК) 30-31-моддалари, Фуқаролик процессуал кодексининг (бундан буён ФПК) 310-316-моддалари, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилган ҳолда кўриб чиқилиши лозим. Судлар ишни кўриб чиқишда иш бўйича аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатларни ҳар тарафлама, тўлиқ ва ҳолисона аниқлаши шарт (ФПКнинг 15-моддаси).

Судлар шуни инобатга олишлари лозимки, ФКнинг 23-моддасига мувофиқ, қонунда назарда тутилган ҳоллар ва тартибдан ташқари ҳеч кимнинг муомала лаёқати чекланишига йўл қўйилмайди. Шу муносабат билан судлар бундай чекловларни қўллашда фақат қонунда белгиланган асослар ва тартибга қатъий риоя этишлари, ҳар қандай чекловнинг қонунийлиги ва асослилигини синчиклаб текширишлари шарт.

3. Фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш ёки уни муомалага лаёқатсиз деб топиш суд томонидан қўлланиладиган ҳуқуқий ҳимоя чоралари ҳисобланади.

Муомала лаёқати чекланган фуқаро майда маийший битимларни мустақил равишда тузиши мумкин. Майда маийший битимлардан ташқари бошқа битимларни тузиш, шунингдек, иш ҳақи, пенсия ва бошқа даромадларни олиш ҳамда уларни тасаруф этиш ҳомийнинг розилиги асосида амалга оширилади. Бундай шахс ўзи тузган битимлар бўйича ва етказган зарари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил равишда мулкий жавобгар ҳисобланади.

Муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс ўз ҳаракатларининг ҳуқуқий аҳамияти ва оқибатларини англай олмаслиги ёки уларни бошқара олмаслиги сабабли, фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустақил равишда амалга ошира олмайди

Бундай шахс томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик масаласи ФКнинг 996-моддаси қоидаларига мувофиқ ҳал этилади.

Судларнинг эътибори қонунда фуқарони муомала лаёқатини чеклаш ёки уни муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисида талаб қўйиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси қатъий белгиланганлигига қаратилсин.

Бундай ариза: фуқаронинг оила аъзолари; васийлик ва ҳомийлик органи; прокурор; даволаш муассасалари; қонунчиликда бундай ваколатлар юклатилган давлат органлари; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари; қонунчиликка мувофиқ бундай ҳуқуқ берилган жамоат бирлашмалари томонидан берилиши мумкин.

Оила кодексининг 5-моддасига мувофиқ, эр-хотин, ота-она ва болалар (шу жумладан, фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинганлар) фуқаронинг оила аъзолари ҳисобланади. Шу билан бирга, бошқа қариндошлар, хусусан, бобо, буви, ака-ука, опа-сингил, тоға, амаки, хола, амма ва бошқалар фуқаронинг оила аъзолари доирасига кирмаслиги тушунтирилсин.

“Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш бўйича васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги фаолият туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари томонидан амалга оширилади.

Ариза манфаатдор шахс номидан иш юритишга ваколати бўлмаган шахс томонидан берилган деганда, ишонч билдирувчи номидан вакиллик қилиш ҳуқуқини берувчи тегишли ишончномага эга бўлмаган шахс томонидан берилган ариза тушунилади.

Шу сабабли, судларга фуқарони муомала лаёқатини чеклаш ёки уни муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар ва уларнинг вакиллари томонидан берилган аризаларни ФПК 195-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига асосан қайтариш ёки ушбу кодекс 122-моддасининг 2-бандига кўра, кўрмасдан қолдириш учун асос бўлмаслиги тушунтирилсин.

Ушбу аризалар мазмунан кўриб чиқилиши ва ариза берувчида қонун ҳужжатларига мувофиқ бундай талаб бўлмаган мурожаат қилиш ҳуқуқи биланганлиги сабабли қаноатлантирилмаслиги лозим. Шу билан бирга, зарурат мавжуд бўлган ҳолларда, суд бундай ариза бериш масаласини ҳал этиш учун ваколатли органларга тегишли тартибда хабар юборишга ҳақли.

4. Фуқарони муомала лаёқатини чеклаш ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ариза шу фуқаро яшаб турган жойдаги, агар у даволанаётган бўлса, ушбу муассаса жойлашган ҳудуддаги суднинг судловига тегишлидир (ФПКнинг 310-моддаси).

5. Фуқарони муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисида

ги аризада спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналоглари, шунингдек, ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддаларни истеъмол қилаётган шахс ушбу хатти-ҳаракатлари билан ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўяётганлигидан далолат берувчи ҳолатлар баён қилиниши лозим.

Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги аризада фуқарода ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англаш ёки уларни бошқариш имкониятидан маҳрум этувчи руҳий бузилиш (касаллик) ёхуд ақли заифлик аломатларини кўрсатувчи ҳолатлар баён этилиши лозим (ФПКнинг 311-моддаси).

6. Судларга тушунтирилсинки, судья ишни суд мажлисида кўришга тайёрлаш босқичида қонунга мувофиқ ишни кўрилишида иштирок этиши шарт бўлган прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг иштирокини таъминлаш (ФПКнинг 313-моддаси), шунингдек, ариза ваколатли шахслар томонидан берилган ҳолларда, заруратга қараб, фуқаронинг оила аъзоларини манфаатдор шахс сифатида жалб қилиш масаласини ҳал этиши ва бу ҳақда суд ажримида кўрсатиши лозим.

Фуқаронинг руҳий ҳолати суд-психиатрия экспертизаси орқали аниқланиши сабабли, уни муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишлар бўйича, агар руҳий ҳолати бузилганлиги (руҳий касаллик ёхуд ақли заифлик) ҳақида етарли маълумотлар мавжуд бўлса, ишни суд мажлисида кўришга тайёрлаш босқичида суд-психиатрия экспертизаси тайинланади (ФПКнинг 312-моддаси). Бундай маълумотлар жумласига фуқаронинг касаллик тарихи кўчирмаси, руҳий-асаб касалликлари муассасаларида ҳисобда туриши ёки даволанганлиги ҳақидаги маълумотнома, ногиронлик гувоҳномаси ҳамда шу каби ҳужжатлар киради.

Суд-психиатрия экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги ажримда фуқаронинг руҳий ҳолатини (руҳий касаллиги ёхуд ақли заифлиги), шунингдек, у ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англаш ёки уларни бошқариш қобилиятига эга ёхуд эга эмаслигини аниқлашга қаратилган саволлар қўйилади.

Судлар суд-психиатрия экспертизасини тайинлашда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини энг кам чеклайдиган экспертиза шаклини танлаш зарурлигини инобатга олиши лозим.

Шахснинг руҳий ҳолатига оид етарли тиббий маълумотлар мавжуд бўлган ҳолларда, қоида тариқасида, амбулатор суд-психиатрия экспертизасини тайинлаш мақсадга мувофиқ.

Агар иш ҳужжатлари, тиббий маълумотлар ёки шахснинг ҳолати амбулатор текширув орқали тўлиқ ва асослантирилган ҳулоса бериш имкони йўқлигини кўрсатса, суд ажримда тегишли асосларни баён қилган ҳолда стационар суд-психиатрия экспертизасини тайинлаши мумкин.

Ўзига нисбатан суд-психиатрия экспертизаси ўтказилаётган шахс текширувдан очиқдан-очиқ, яъни фаол равишда

бўйин товласа ва унинг хатти-ҳаракатлари жамоат тартибига, атрофдагиларнинг ҳуқуқлари, ҳаёти ёки соғлиғига таҳдид солса, суд мажбурий тартибда экспертизага юбориш тўғрисида ажрим чиқаришга, ажрим ижросини тегишли ички ишлар органлари зиммасига юклашга ҳамда мазкур ажримни ижро этиш жараёнида шахс тиббиёт ходими кузатувида бўлишини белгилашга ҳақлидир (ФПКнинг 312-моддаси).

7. Қонунга кўра, бундай тоифадаги ишлар прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг иштирокида кўрилишини инобатга олиб, улар суд мажлисига келмаган тақдирда, иш муҳокамаси кейинга қолдирилади ва бу ҳақда уларга хабар берилади. Шу билан биргаликда, суд уларнинг суд мажлисига узрсиз сабаблар билан келмаганлиги ҳолати юзасидан хусусий ажрим чиқариш йўли билан муносабат билдиради (ФПКнинг 220 ва 313-моддалари).

Муомала лаёқати чекланиши ёки муомалага лаёқатсиз деб топилиши сўралаётган фуқаро мазкур иш бўйича манфаатдор шахс ҳисобланиши сабабли муомала лаёқати чекланиши масаласи кўриб чиқиляётган фуқаронинг ишда иштирок этиши мажбурий бўлиб, у узрсиз сабабларга кўра, суд мажлисига келмаган ёхуд келмаганлиги сабабларини маълум қилмаган тақдирда, ФПКнинг 144 ва 186-моддалари қоидалари қўлланилади.

Ушбу қоида муомалага лаёқатсиз деб топилиши масаласи кўриб чиқиляётган шахснинг соғлиғи ҳолати имкон берган ҳамда суд уни ишда иштирок этиши лозим деб топган ҳолларда ҳам қўлланилиши мумкин.

Суд унинг суд мажлисидаги иштирокини видеоконференц-алоқа орқали ёки сайёр суд мажлиси ўтказиш йўли билан ҳам таъминлаши мумкин.

8. Фуқаронинг спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналогларини ҳамда бошқа кучли таъсир қилувчи моддаларни истеъмол қилиши факти иш бўйича тўпланган далиллар билан тасдиқланиши лозим (ФПКнинг 8-боби).

Бундай далилларга: тиббий муассасаларнинг маълумотномалари; суд-наркологик экспертизаси хулосаси;

суд қарорлари ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳужжатлари (масалан, ички ишлар органининг жамоат тартибини бузиш, оилда можароли бязиятлар келтириб чиқариш ҳақидаги ҳужжатлари);

яшаш ёки иш жойидан берилган тавсифномалар;

шахснинг спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик ва психотроп моддалар ёки уларнинг аналогларига қарамлик ҳолатини тасдиқловчи бошқа далиллар киради.

Фуқарони муомала лаёқати чекланган деб топиш учун унинг гиёҳвандлик (наркомания), заҳарвандлик (токсикомания), ичкиликбозлик туфайли ҳисобда туриши шарт эмас.

9. Фуқаронинг спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки

уларнинг аналогларини, шунингдек, бошқа кучли таъсир қилувчи моддаларни истеъмол қилиши оқибатида унинг оиласи оғир моддий аҳволга тушганлиги фактини аниқлашда суд қуйидагиларга эътибор бериши лозим:

оила аъзоларини таъминлаш мажбуриятини бажармаганлиги (войага етмаган болаларга алимент тўламаслик, ногирон ёки ёрдамга муҳтож оила аъзоларини таъминламаслик ва ҳ.к.);

спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва қарамликни келтириб чиқарадиган бошқа кучли таъсир қилувчи моддаларни сотиб олиш учун ўзининг ёки оила аъзоларининг маблағларини сарфлаши;

оила бюджетига зарар етказганлиги (оила аъзоларининг эркига зид ва оила манфаатига мос бўлмаган ҳолда оила мол-мулкани сотиш ёки йўқ қилиш, қарз олиб, оилани қарздор қилиш ва шу каби ҳолатлар).

Агар суд, фуқаронинг оила харажатларига иштирок этмаслиги спиртли ичимликлар, наркотик воситалар ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиш эмас, балки касаллик, ишга жойлаша олмаслик каби объектив сабабларга боғлиқ эканлигини аниқласа, у ҳолда бундай фуқарони муомала лаёқати чекланган деб топиш мумкин эмас.

10. ФКнинг 31-моддасига кўра, фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш учун қуйидаги икки шартнинг ўзаро сабабий боғлиқликда бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлиши талаб этилади:

фуқаронинг спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналогларини, шунингдек, бошқа кучли таъсир қилувчи моддаларни суиистеъмол қилиши; ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиши.

11. Судлар фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишларни кўришда суд-психиатрия экспертизаси хулосасини далил сифатида баҳолайди.

Экспертиза хулосаси иш учун ишончли ва етарли далил сифатида қабул қилиниши учун унда фуқаронинг руҳий ҳолати бузилганлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаслиги ёки уларни бошқара олмаслиги аниқ, равшан ва қатъий хулоса шаклида баён этилган бўлиши лозим.

Эксперт хулосасида мавхум, эҳтимол тутилган, яъни шартли ифодаларга, жумладан, “бўлиши мумкин”, “истисно этилмайди”, “тахмин қилинади” каби ибораларга асосланган, қатъий хулоса мазмунини ифодаламайдиган тўхтамлар мавжуд бўлганда, хулоса суд томонидан далилнинг мақбуллиги ҳамда етарлилиги нуқтаи назаридан танқидий баҳоланиб, тегишли тартибда қайта, комиссиявий ёки комплекс экспертиза тайинлаш масаласи ҳал қилиниши мумкин.

12. ФКнинг 22-моддасига мувофиқ, фуқаро ўн саккиз ёшга тўлгандан кейингина тўлиқ ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлади, бироқ ушбу ёшга етгунга қадар ҳам қонун ҳужжатларида белгиланган доирада қисман муомала лаёқатига эга ҳисобланади.

Хусусан, ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган войага етмаганлар ФК 27-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқларни мустақил равишда амалга оширишга ҳақли бўлиб, ушбу муомала лаёқати доирасида тузган битимлари бўйича, шунингдек, ўзлари етказган зарар учун мустақил жавобгар ҳисобланади (ФКнинг 994-моддаси).

Шундан келиб чиқиб, ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган войага етмаган фуқароларга нисбатан ФПКнинг 310-моддасида назарда тутилган асослар ва тартибда судга ариза берилиши мумкин.

13. Судларга тушунтирилсинки, фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишлар бўйича қабул қилинадиган ҳал қилув қарори ФПКнинг 23-боби талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида аризани қаноатлантириш ёхуд рад этиш ҳақидаги хулоса аниқ баён этилиши лозим. Ариза қаноатлантирилганда муомалага лаёқатлилиги масаласи кўриб чиқилган фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва жойи, яшаш манзили ва шахсини идентификация қилувчи бошқа маълумотлар кўрсатилади.

“Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонуннинг 13 ва 21-моддалари талабларига мувофиқ, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги ваколатлари доирасида муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқарога ҳомий ёхуд васий тайинлаш учун зарур ҳужжатларни тайёрлайди ҳамда муайян шахснинг ҳомий ёхуд васий этиб тайинланиши мумкинлиги тўғрисидаги хулосани туман (шаҳар) ҳокимлигига тақдим этади. Шундан сўнг туман (шаҳар) ҳокимининг қарори асосида фуқарога ҳомий ёхуд васий тайинланади.

Шу сабабли судлар ҳомий ёхуд васий тайинлаш ҳақидаги масалани ҳал қилишга ҳақли эмас.

Судларнинг эътибори муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро тўғрисидаги маълумотларнинг ўз вақтида ҳисобга олинишини таъминлаш, шунингдек, кейинчалик юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳуқуқий оқибатларнинг олдини олиш мақсадида, ҳал қилув қарорининг кўчирма нусхаси у қонуний кучга кирган кундан эътиборан уч кундан кейичтирмай фуқаронинг яшаш жойидаги тиббиёт бирлашмаси ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик органига юборилиши лозимлигига қаратилсин (ФПКнинг 314-моддаси).

14. Фуқаронинг муомала лаёқатини чеклашни ва унга нисбатан белгиланган ҳомийликни бекор қилиш ёки фуқарони муомалага лаёқатли деб топиш ва унга белгиланган васийлиكنи бекор қилиш ФКнинг 30, 31-моддалари ва ФПКнинг 315-моддасига мувофиқ, чекловга асос бўлган ҳолатлар барҳам топган тақдирда, суд тартибида амалга оширилади.

(Давоми 3-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

Қ А Р О Р И

Судлар томонидан фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги ишларни кўриш амалиёти тўғрисида

◄(Бошланиши 2-бетда)

Мазкур ҳолатлар суд томонидан тиббий маълумотнома, тавсифномалар, гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертиза хулосаси ва бошқа мақбул далиллар асосида аниқланади.

Фуқаронинг муомала лаёқатини чеклашни бекор қилиш масаласи ФПКнинг 315-моддасига мувофик, муомала лаёқати чекланган шахснинг ўзи, унинг ҳомийси, шунингдек, ФПКнинг 310-моддасида санаб ўтилган субъектларнинг аризасига асосан кўриб чиқилади.

Васий, шунингдек, ФПКнинг 310-моддасида кўрсатилган субъектлар соғайган фуқарони муомалага лаёқатли деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Фуқарони муомалага лаёқатли деб топиш ёки унинг муомала лаёқатини чеклашни бекор қилиш тўғрисидаги ариза, фуқаронинг муомала лаёқати чекланиши ёхуд муомалага лаёқатсиз деб топилиши ҳақидаги қарор қайси суд томонидан қабул қилинганidan қатъи назар, мазкур фуқаронинг яшаш жойидаги судга берилади ва шу суд томонидан кўриб чиқилади.

Бундай аризаларни кўриб чиқиш натижаси бўйича суд илгариги ҳал қилув қарорини бекор қилиш масаласини ҳал этмасдан, фуқаронинг муомала лаёқатини чеклашни бекор қилиш ёки фуқарони муомалага лаёқатли деб топиш ҳамда унга нисбатан белгиланган ҳомийлик ёки васийлиқни бекор қилиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади.

15. Судларга тушунтирилсинки, фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори унинг ҳуқуқий мақомига бевосита таъсир қилиши сабабли, бундай шахс мазкур суд ҳужжати устидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

16. Судларнинг эътибори ФПКнинг 316-моддаси талабларига мувофиқ, фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд ҳаражатлари аризачидан ундирилмаслиги сабабли, ушбу тоифадаги ишлар бўйича аризачилар давлат божи ва почта харажатларини тўламасдан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигига қаратилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси	Р. МАХМУДОВА
Пленум котиби, Олий суд судьяси	У. ХОЛОВ

Фуқаролик ишлари бўйича, маъмурий ва иқтисодий судлар томонидан даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чораларини кўришнинг айрим масалалари тўғрисида

◄(Бошланиши 1-бетда)

Шунга кўра, судларнинг эътибори иқтисодий ва фуқаролик ишлари бўйича даъвони таъминлашга, агар бундай чораларни кўрмаслик суд ҳужжатининг ижросини қийинлаштириши ёхуд бажариб бўлмайдиган қилиб қўйиши мумкин бўлганда, маъмурий ишлар бўйича эса, дастлабки ҳимоя чораларини кўришга суд ҳужжати қабул қилингунига қадар аризачининг ёки манфаатларини кўзлаб ариза берилган шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бундай чораларни кўрмасдан туриб ҳимоя қилиш мумкин бўлмаса ёки қийин бўлса, йўл қўйиши мумкинлигига қаратилсин.

3. Судларнинг эътибори даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чораларини кўриш тартиби ва унинг турлари ФПКнинг 9-боби, ИПКнинг 8-боби, МСИЮТКнинг 8-бобида белгиланганлигига қаратилсин.

Шу билан биргаликда, даъвони таъминлаш чоралари ва алоҳида тоифадаги низоларни кўришда уларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари процессуал қонунчиликнинг бошқа қоидаларида (масалан, ИПКнинг 28, 37-моддалари) ва айрим моддий ҳуқуқ нормаларида белгиланганлигини (масалан, Оила кодексининг 89, 110, 112-моддалари, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 19-моддасининг учинчи қисми, “Рақобат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 40-моддасининг учинчи қисми ва ҳ.к.) инobatга олиш лозим.

4. ФПКнинг 39-моддаси, ИПКнинг 41-моддаси ва МСИЮТКнинг 38-моддасида кўрсатилган ишда иштирок этувчи шахслар даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чораларини кўриш тўғрисидаги ариза (илтимоснома) билан мурожаат қилиши мумкинлиги назарда улар қарши даъво ёки мустақил талаб билан арз қилинган ҳолатларда берилиши мумкинлигига судларнинг эътибори қаратилсин.

Бундан ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига даҳл қилган ҳолатлар мустасно бўлиб, даъвони таъминлаш чораларини кўрмаслик суд ҳужжати ижросини қийинлаштираc ёки уни бажариб бўлмайдиган қилиб қўядиган ҳоллардагина ушбу шахсларнинг мустақил равишда берган аризалари қаноатлантирилиши мумкин.

Шунингдек, ФПК 105-моддасининг бешинчи қисми, ИПК 93-моддасининг бешинчи ва олтинчи қисmlарига кўра, ҳақамлик (арбитраж) судида кўрилаётган иш бўйича даъвони таъминлаш чораларини кўриш ҳақидаги ариза билан ҳақамлик (арбитраж) муҳокамаси тарафи мурожаат қилишга ҳақли.

5. Тушунтирилсинки, тарафнинг қонун бўйича вакили ФПКнинг 69-моддаси, ИПКнинг 63-моддаси, МСИЮТКнинг 62-моддасида кўрсатилган барча процессуал ҳаракатларни ишончномасиз амалга оширишга ҳақли бўлиб, вакил даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чорасини кўриш ҳақида ариза билан мурожаат қилганда ваколатларини тасдиқловчи ҳужжат (ишончнома) тақдим этиши талаб этилмайди.

6. Фуқаролик ва Маъмурий суд

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

Қ А Р О Р И

Фуқаролик ишлари бўйича, маъмурий ва иқтисодий судлар томонидан даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чораларини кўришнинг айрим масалалари тўғрисида

ишларини юритиш тартибида судья (суд) ўз ташаббуси билан даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чораларини кўриши мумкин, масалан:

низоли мол-мулкка тақиқ қўйиш ҳақида – мол-мулкни талаб қилиб олиш, турар жойга қиритиш ҳақидаги ва низога оид мол-мулкнинг бегоналаштирилиши эҳтимоли бўлган бошқа талаблар бўйича;

Оила кодексининг 145-моддасида назарда тутилган асосларга кўра, алиментни бир йўла тўлаш ёки алимент эвазига муайян мол-мулкни бериш ёхуд алиментни бошқа усулда тўлаш тўғрисидаги даъво бўйича – алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқishiни вақтинча чеклаш ҳақида.

7. Даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чораларини кўришга судда иш юритишнинг ҳар қандай босқичида, шу жумладан, иш юритиш тўхтатилган даврда ҳам йўл қўйилади.

Иш юритиш тўхтатилган даврда берилган даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чораларини кўриш тўғрисидаги ариза ФПК 9, ИПК 8 ва МСИЮТКнинг 8-бобларида белгиланган тартиб ва муддатларда тарафларни хабардор қилмасдан, иш юритиш тикланмаган ҳолда ҳал қилинади.

Даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чорасининг бир турини бошқаси билан алмаштириш тўғрисидаги масала ФПК 108-моддасининг учинчи қисми, ИПК 97-моддасининг учинчи қисми, МСИЮТК 96-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ ҳал қилинади.

8. Соддалаштирилган тартибда иш ФПК ва ИПКда назарда тутилган даъво ишини юритишнинг умумий қоидаларига мувофиқ кўрилиши белгиланганлиги боис, бундай иш юритишда ҳам даъвони таъминлаш чоралари кўрилиши мумкин.

9. Судлар шуни назарда тутишлари керакки, иш қўзғатилгунга қадар даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чораларини кўришга йўл қўйилмайди, бундан ҳақамлик судида кўрилаётган даъвони таъминлаш чораларини кўриш ҳоллари мустасно.

Даъво аризаси (ариза, шикоят) судга топширилмаган ҳолда берилган даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чораларини кўриш ҳақидаги ариза алоҳида ажрим чиқарилмасдан хат билан қайтарилиши лозим.

Даъво аризаси (ариза, шикоят) билан бирга берилган даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чораларини кўриш ҳақидаги аризани қаноатлантириш ёки рад этиш масаласи даъво аризасини (аризани, шикоятни) иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш, апелляция, кассация, тафтиш инстанцияси судларида эса, шикоятни (протестни) иш юритишга қабул қилиш вақтида ҳал қилинади.

Даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чораларини кўриш тўғрисидаги ариза (илтимоснома) даъво аризаси (ариза, шикоят), шикоят (протест) иш юритишга қабул қилинганидан сўнг берилганда ФПК 107-моддасининг биринчи қисми талабига кўра, у келиб тушган куниёқ, иш вақти тугаганидан кейин электрон ҳужжат тарзида келиб тушган ҳолатларда кейинги иш кунидан кечиктирмасдан, ИПК 96-моддасининг учинчи қисми ҳамда МСИЮТК 95-моддасининг учинчи қисмига кўра эса, ариза келиб тушганидан кейинги кундан кечиктирмай ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилмасдан, суд мажлисида тақдим этилганида эса, шу суд мажлисида кўриб чиқилади.

Ҳақамлик судида кўрилаётган иш юзасидан даъвони таъминлаш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича ва иқтисодий судга келиб тушган аризалар ҳам шу тартибда ҳал қилинади.

Ариза суд мажлисидан ташқари вақтда келиб тушган ҳолларда суд мажлиси ўтказилмасдан ва тарафларни хабардор қилмасдан ҳал қилинади.

10. Даъво аризаси (ариза, шикоят) қайтарилганда ёки уни иш юритишга қабул қилиш рад этилганда, даъво аризаси (ариза, шикоят) билан бир вақтда топширилган даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чораларини кўриш ҳақидаги ариза муҳокама қилинмайди.

11. Апелляция, кассация ва тафтиш тартибидаги шикоят (протест) бериш муддатини тиклаш ҳақидаги илтимоснома билан бир вақтда даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чораларини кўриш тўғрисида ариза келиб тушган ҳолда дастлаб шикоят (протест) бериш муддатини тиклаш ва шикоятни иш юритишга қабул қилиш масаласи ҳал этилиши лозим.

Апелляция, кассация, тафтиш тартибидagi шикоят (протест) қайтарилган ёки қабул қилишдан рад этилганда, шикоят (протест) билан бирга топширилган даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чорасини кўриш ҳақидаги ариза муҳокама қилинмайди.

12. Даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чораларини кўриш тўғрисидаги аризада даъвони таъминлаш чораларининг асослари ва зарурати кўрсатилган бўлиши лозим.

Фуқаролик ва маъмурий суд ишларини юритишда аризада асослар ёки зарурат аниқ кўрсатилмаган ҳолларда эса, судья (суд) томонидан ушбу камчиликлар бар-тараф этилиши ва аризани мазмунан ҳал қилиш чоралари кўрилиши мумкинлигига эътибор қаратилсин.

Шу билан биргаликда, ИПКнинг 95-моддасига асосан, аризада даъвони таъминлаш чорасининг тури ҳам кўрсатилиши лозим бўлиб, иқтисодий суд ишларини юритишда ушбу тартибга риоя қилинмаганлиги аризани қаноатлантиришни рад этиш учун асос бўлади.

13. Судларга тушунтирилсинки, давлат фойдасига мулкий ундирувлар (солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, божхона тўловлари ва жарималарини ундириш, давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, давлат мулкидан фойдаланганлик учун тўловларни ундириш, давлат мулкнини қонунсиз эгаликдан талаб қилиб олиш, экология, атроф-муҳитга ёки табиий ресурсларга етказилган зарар (компенсация)ни ундириш, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариш нобуд ҳаракатликларининг ўрнини қоплаш ва шу каби давлатнинг қонун билан кўриқланадиган бошқа мулкий манфаатлари) ишлари кўриб чиқаётганда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан ариза бўлмаган ҳолларда ҳам — ўз ташаббуси билан, иқтисодий суд томонидан эса, даъвогарнинг аризасига кўра даъвони таъминлаш чоралари кўрилиши шарт.

Шунингдек, иқтисодий ва маъмурий судларнинг эътибори давлат органининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжати қабул қилинганлиги ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан қонунга зид ҳаракатлар (ҳаракатсизликлар) содир этилганлиги натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво (талаб)ни кўришда даъвогар (аризачи)нинг аризаси бўйича даъвони

таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чораларини кўриши шартлигига қаратилсин.

14. Судлар шуни инobatга олишлари лозимки, даъвони таъминлаш чоралари тезкор ва дастлабки ҳимоя чораси ҳисобланиши сабабли, уни кўрлаш учун даъво талабларини асословчи далиллар тақдим этилиши талаб қилинмайди.

Суд даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чораларини кўриш тўғрисидаги аризани ҳал қилишда, аризада бундай чораларни кўриш учун асослар ва зарурат мавжудлигини, таъминланиши сўралаётган чораларнинг даъво (ариза, шикоят) предмети билан боғлиқлигини, унга мутаносиблигини аниқлайди.

Судларга тушунтирилсинки, даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чоралари даъво (ариза, шикоят) предметига алоқадор ва (ёки) суд ҳужжатининг ижроси билан боғлиқ бўлмаган ҳолатларда ариза рад этилади.

15. Фуқаролик ва иқтисодий суд ишлари юритувида ҳақамлик судида кўриб чиқи­лаётган иш бўйича даъвони таъминлаш чораларини кўриш тўғрисидаги ариза, унга даъвонинг доимий фаолият кўрсатувчи ҳақамлик судига тақдим этилганлигини исботловчи далиллар, яъни ҳақамлик иши қўзғатиш ҳақидаги тасдиқланган ажрим нусхаси ёки маълумотнома илова қилинади. Иш муваққат ҳақамлик суди томонидан кўрилаётганда, тақдим қилинган ажрим ёки маълумотномадаги ҳақамлик суди судьясининг имзоси нотариял тартибда тасдиқланган бўлиши лозим.

Судларнинг эътибори бундай аризаларни ҳал қилишда даъвонинг ҳақамлик судига тақдим этилганлигини исботловчи далиллар илова қилинмаган, ҳақамлик судида кўри­лаётган низо­ни ҳал қилиш қонунга кўра ҳақамлик судлари ваколатига қирмай­диган ҳолларда аризани рад этиш лозим бўлишига қаратилсин.

16. Тушунтирилсинки, аризада кўрсатилган мол-мулкни ёки пул маблағларини хатлаш тарзидаги даъвони таъминлаш чораси суд томонидан нафақат мулкий, балки номулкий хусусиятга эга бўлган талабларни таъминлаш учун ҳам қўлланилиши мумкин.

Мол-мулк ёки пул маблағларини хатлаш тарзидаги даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чораси жавобгарга тегишли бўлган ва унинг ўзида ёки бошқа шахсларнинг ихтиёрида бўлган мол-мулкка нисбатан қўлланилиши мумкин бўлиб, айни вақтда тез бузиладиган ашёларга нисбатан қўлланилмаслиги инobatга олинishi лозим.

Процессуал қонунчиликда жавобгарга тегишли бўлган пул маблағларини хатлашда унинг ҳисобварағига банд солиш назарда тутилмаган. Шунинг учун судлар мазкур даъвони таъминлаш чорасини қўллашда жавобгарга тегишли бўлган ҳисобварағидаги пул маблағлари хатланиши лозимлигига эътибор қаратишлари лозим.

Бундай чорани кўришда даъвонинг баҳоси доирасида пул маблағлари билан бирга жавобгарнинг мол-мулк ҳам хатлаб қўйи­лиши мумкин.

17. Судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, жавобгарга муайян ҳаракатларни амалга оширишни тақиқлаш тарзидаги даъво­ни таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чорасининг мақсади, жавобгарнинг қонуний фаолиятини амалга оширишига асоссиз тўсиқлар яратишга эмас, балки ариза берувчи ва бошқа шахсларнинг манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган.

(Давоми 4-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қ А Р О Р И

Фуқаролик ишлари бўйича, маъмурий ва иқтисодий судлар томонидан даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чораларини кўришнинг айрим масалалари тўғрисида

◄(Бошланиши 3-бетда)

18. Судлар ФПК 106-моддаси биринчи қисмининг 4-банди, ИПК 94-моддаси биринчи қисмининг 5-бандига кўра, мол-мулкни хатлашдан озод қилиш (рўйхат (арест)дан чиқариш) тўғрисидаги низолар бўйича даъвони таъминлаш чораси сифатида рўйхатдан чиқарилиши талаб қилинаётган мулкни реализация қилишнинг тўхтатиб турилиши бундай чоранинг бошқа низолар бўйича қўлланилишини ҳам истисно қилмаслигини инобатга олишлари керак.

Судлар бундай масалани ҳал қилишда даъвони таъминлаш чораси сифатида айнан мулкни реализация қилишни тўхтатиб турмаслик суд ҳужжати ижросини қанчалик қийинлаштириши ёки уни бажариб бўлмайдиган қилиб қўйишига баҳо беришлари лозим.

19. ФПК 106-моддаси биринчи қисмининг 5-банди талабига кўра, суд, қонунчиликда йўл қўйилганда, қарздор ижро ҳужжати юзасидан суд тартибда низолашаётган бўлса, бу ҳужжат бўйича ундирувни тўхтатиш шаклидаги даъвони таъминлаш чорасини кўриши мумкин.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасида ижро ҳужжатлари турлари келтирилганлиги боис, судлар мазкур рўйхатдаги ижро ҳужжатларининг қайси бирлари бўйича қонунчиликда суд тартибда низолашишга йўл қўйилганлигини аниқлашлари лозим. Хусусан, Оила кодекси 131-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ, алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ижро варақаси кучига эга бўлганлиги ҳамда мазмун-моҳиятига кўра, битим ҳисобланиши сабабли мазкур келишув юзасидан ФҚда белгиланган битимларга оид умумий асослар бўйича низолашилиши мумкин.

ФПК 106-моддаси биринчи қисмининг 5-бандига асосан даъвони таъминлаш чорасини кўриш шу иш юритувида кўрилаётган даъво бўйича қўлланилиши сабабли, давлат ижросисининг

қарори, хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан маъмурий судга шикоят берилганлиги асоси билан ижро ҳаракатларини тўхтатиш ҳақидаги ариза ФПКнинг 455-моддаси тартибда ҳал қилиниши мумкин эмаслигига судларнинг эътибори қаратилсин.

Мазкур масала маъмурий суд томонидан МСИЮтК 92-моддаси биринчи қисмининг 1 ва 2-бандларига кўра, дастлабки ҳимоя чораси сифатида ҳал қилиниши лозим.

20. Жавобгарга низоли мол-мулк бузилиши, ҳолати ёмонлашишининг олдини олиш мақсадида, муайян ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юклаш кўринишидаги даъвони таъминлаш чораси мол-мулкни сақлаш, унинг бузилишининг олдини олиш, низоли мулкни таъмирлаш, бузмаслик, бошқа шахсларга бермаслик ва шу каби бошқа ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини юклатишда намоён бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, иқтисодий ва фуқаролик ишлари бўйича судлар ҳар бир муайян ишнинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда мол-мулкни сақлаш, бузиш ёки қайта қуришни тақиқлаш, фойдаланишни чеклаш ёки тартибга солиш, учинчи шахсларга ўтказмаслик, мулкни маълум ҳолатда сақлаш, муайян ҳаракатларни бажариш, мулкни бошқаришни вақтинча тартибга солиш каби мажбуриятлар белгиланиши мумкинлигини назарда тутишлари лозим.

Судларнинг эътибори бундай даъвони таъминлаш чораларини кўришда реал хавф ва жавобгар зиммасига юклатилаётган мажбуриятни ижро қилиш имкони мавжуд бўлиши лозимлигига қаратилсин.

21. Низоли мол-мулкни сақлаш учун учинчи шахсга (сақловчига) топшириш кўринишидаги даъвони таъминлаш чорасини кўриш мол-мулкни учинчи шахсда сақлаш орқали унинг бузилиши, йўқолиши ёки ноқонуний фойдаланилишининг олди олинишини таъминлайди ва мулк йўқолиши ёки яширилиши, унинг бузилиши ёки зарарланиши хавфи мавжуд бўлганда самарали ҳисобланади.

Ушбу чора орқали мол-мулк тарафларнинг ихтиёридан олиниб, бетараф шахснинг ёки ихтисослашган ташкилотнинг сақловига берилади.

Бу билан мол-мулкдан фойдаланмаган ҳолда, уни бут сақлаш таъминланади.

Учинчи шахс (сақловчи) мулкни бут сақлаши, уни бошқа шахсга бермаслиги ва даъвони таъминлаш чораси бекор қилингандан сўнг уни эгасига қайтариши лозим.

22. Судлар инобатга олишлари лозимки, фуқаролик ва иқтисодий процессуал қонунчилигида кўрсатилган даъвони таъминлаш чораларининг рўйхати тугал эмаслиги сабабли, процессуал қонунчиликда кўрсатилмаган даъвони таъминлаш чораларини қонунчиликда кўрсатилмаганлиги асоси билан қўллашни рад этишга йўл қўйилмайди.

Мисол учун, суд зарур ҳолларда, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки бундай ҳуқуқни чеклаш билан боғлиқ ишларни кўришда ота-онадан боласини олиш ҳамда уни васийлик ва ҳомийлик органлари қарамоғига топшириш, фуқарони Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишини вақтинча чеклаш ва бошқа чораларни ҳам кўриши мумкин.

23. Судларга тушунтирилсинки, даъвони таъминлаш чораси сифатида бошқа иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатининг ижросини тўхтатишга йўл қўйилмайди.

24. Даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чорасини кўриш ҳақидаги аризанинг рад этилганлиги, бундай чорани кўриш учун янги асослар пайдо бўлган ва даъвони таъминлаш чорасини қўллаш зарурати асослантирилган ҳолларда қайта мурожаат қилишга тўсқинлик қилмайди.

25. Тушунтирилсинки, бир вақтнинг ўзида бир нечта даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чоралари кўрилиши мумкин бўлиб, бундай аризалар бўйича суд ажримининг асослантирувчи қисмида билдирилган даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя)

чораларидан ҳар бирини тўлиқ ёки қисман қўллаш ёки қўллашни рад этиш тўғрисидаги хулосалар кўрсатилган бўлиши керак.

26. Даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чораларини кўриш тўғрисидаги ажрим суд ҳужжатларини ижро этиш учун белгиланган тартибда дарҳол ижро этилади.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чораларини кўриш суднинг ажрими асосида ижро этилади ва бунда ижро варақаси бериш талаб этилмайди.

Даъво аризаси (ариза, шикоят) қаноатлантирилганда, даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чораси суд ҳужжати амалда ижро этилгунга қадар сақланади.

Даъво аризаси (ариза, шикоят) ни қаноатлантиришни рад этиш, даъвони кўрмасдан қолдириш ва иш юритишни тугатиш тўғрисидаги суд ҳужжатларини қабул қилиш билан бир вақтда ёки улар қабул қилинганидан кейин суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра ёки ўз ташаббуси билан алоҳида ажрим чиқариш орқали даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чорасини бекор қилиши мумкин, бундан ФПК 123-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар мустасно.

Тушунтирилсинки, даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чораси бекор қилинганлиги ҳақида суд томонидан кўрилган бундай чора ижро қилиш учун юборилган орган ёки мансабдор шахсга ёзма равишда маълум қилиниши лозим.

Судлар инобатга олишлари лозимки, ҳакамлик суди (арбитраж)нинг даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ҳал қилув қарори даъвони таъминлаш чораларининг суд томонидан ФПК 111-моддасининг учинчи қисми, ИПК 99-моддасининг еттинчи ва саккизинчи қисмларига мувофиқ бекор қилиниши учун асос бўлади.

Даъвони таъминлаш чораларини бекор қилиш тўғрисидаги ажримнинг кўчирма нусхаси

ишда иштирок этувчи шахсларга у чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмасдан юборилади.

27. Даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чоралари ишни кўраётган суд томонидан ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра бекор қилиниши мумкин.

Фуқаролик суд иш юритувида даъвони таъминлаш чоралари ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қилган бошқа шахслар томонидан ҳам уни бекор қилиш ҳақида илтимоснома берилиши мумкин.

Даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чораларини бекор қилиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш натижаси бўйича чиқарилган ажримнинг хулоса қисмида даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чорасини қўллаган суднинг номи, ажрим чиқарилган санага оид маълумотлар ва қўлланилган қайси чора бекор қилинаётганлиги кўрсатилиши керак.

28. ИПКнинг 100-моддасида даъвони рад этиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин жавобгар даъвогардан даъвони таъминлаш туфайли ўзига етказилган зарарининг ўрнини қоплашни ўша судда даъво тақдим этиш йўли билан талаб қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.

ФПКнинг 115-моддасига мувофиқ фуқаролик иши бўйича даъвони рад этиш ҳақидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин жавобгар шундай тартибда даъвони таъминлаш туфайли ўзига етказилган зарарининг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Бунда, етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш (ундириш) тўғрисидаги талаб алоҳида даъво тартибда кўриб чиқилади.

Судларга тушунтирилсинки, маъмурий иш бўйича аризани рад этиш ҳақидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин жавобгар ёки манфаатдор

шахслар дастлабки ҳимоя чораси қўлланилиши туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш юзасидан тегишли судга даъво тақдим этишлари мумкин.

29. Агар низолашилаётган маъмурий ҳужжат (ҳаракат) ижросининг мажбурий тўхтатиб турилиши қонунда назарда тутилган бўлса (масалан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 231-моддасининг учинчи қисми, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 19-моддасининг учинчи қисми, “Рақобат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 40-моддасининг учинчи қисми), судья аризачи судга мурожаат қилганлиги муносабати билан низолашилаётган маъмурий ҳужжатнинг (ҳаракатнинг) бажарилиши маъмурий орган ёки мансабдор шахс томонидан тўхтатилган-тўхтатилмаганлигини текшириши, унинг ижроси тўхтатилмаганлиги аниқланганда эса, ўз ташаббуси билан маъмурий ҳужжатнинг (ҳаракатнинг) ижросини тўхтатиб туриши лозим.

Шуни назарда тутиш лозимки, қонунда назарда тутилган ҳолларда маъмурий орган мансабдор шахсининг фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ва аҳоли ҳаёти ва соғлиғига реал хавф соладиган бошқа ҳолатларнинг олдини олиш билан боғлиқ қарорлари, ҳаракатларини тўхтатиб туришга йўл қўйилмайди.

30. Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари даъвони таъминлаш (дастлабки ҳимоя) чораларини кўриш ва суд ҳужжатлари ижросини тўхтатиб туриш масалалари бўйича суд амалиётини мунтазам равишда умумлаштириб бориши ва мазкур тоифадаги ишлар кўрилишида суд хатоларининг олдини олиш юзасидан чоралар кўриши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси

Р. МАХМУДОВА

Пленум котиби, Олий суд судьяси

У. ХОЛОВ

Меҳнат низоларини кўришга ихтисослашган судьялар корпуси шакллантирилди

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раёсатининга “Фуқаролик ишлари бўйича судларда меҳнат низоларини кўришга ихтисослашган судьялар корпусини шакллантириш ҳақида”ги қарори қабул қилинди.

Қарор ижроси доирасида фуқаролик ишлари бўйича пойтахт судлари бўйича меҳнат низоларига ихтисослашган судьялар рўйхати тасдиқланди.

Тошкент шаҳар суди раёсати қарорига мувофиқ:

Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг судьялари — Қосимов Ихтиёр Уралович, Қаюмов Ҳамиджон Журакулович, Шаропов Жамшид Бурҳонович, Ҳамроева Эльвира Дамировна;

Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро суди судьялари — Раҳматов Аброр Алиевич, Бобораимова Мавлуда Мирзақаримовна;

Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро суди судьялари — Ҳожиёв Мақсуд Илхомович, Ҳайитова Адиба Ғофуровна;

Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро суди судьялари — Гадоев Бекзод Ишқобилович, Утанбоева Лола Умирзоковна;

Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро суди судьялари — Мамаюсовов Жасурбек Баҳодирович, Мамараимова Гулруҳ Маҳмудовна;

Фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро суди судьялари — Солиева Зиёдахон Комилжоновна, Кенжаева Нигора Эсонбоевна жорий йилнинг 1 август санасидан бошлаб, меҳнат низоларини кўришга ихтисослашган судьялар сифатида фаолиятини давом эттиради.

Н. АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири

◄(Бошланиши 1-бетда)

Бинобарин, 2025 йил 20 февралда қабул қилинган “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун асосида Жиноят кодекси “Транспорт воситасини мастлик ҳолатида бошқариш ёки текширувдан ўтишдан бўйин товлаш” дея номланган 261¹-модда билан тўлдирилди.

Ушбу қонунга кўра, ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бошқариши, шундай қилмиш ёхуд мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида эканлигини аниқлаш

учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаганлиги учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, уч йилгача муайян ҳуқуқдан

Оммавий ахборот воситаларида жамоат йўллари-ни пойга майдонига айлантирган ҳайдовчиларнинг қилмиши жиддий эътирозларга сабаб бўлмоқда.

Мазкур муаммонинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлик учун жазо муқаррарлигини таъминлаш мақсадида қонунчилигимизга қатъий ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга “Йўл безорилиги” дея номланган 128¹⁰-модда киритилди.

маҳрум қилиниб, икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 131-моддасига ҳам ўзгартириш киритилди. Яъни ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини алкоғолли ичимликдан мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бошқариши — транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан уч йил муддатга маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг



Долзарб мавзу

Йўл ҳуқуқбузарликлари

қирқ баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдорида жарима солишга ёки ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Шу ўринда бевосита ҳаётий мисолларга эътибор қаратсак, жиноят ишлари бўйича Мирзаобод тумани судининг

2026 йил 3 июлдаги қарори билан фуқаро А.Каландаровга (исм-шарифлар ўзгартрилган) Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 131-моддаси 1-қисми билан 3 йил муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳамда базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 баравари – 16.480.000 сўм миқдорида жарима жазоси тайинланган.

Суднинг 2026 йил 9 февралдаги қарори билан эса, фуқаро Ҳ.Шодмоновнинг транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи бўлмагани боис унга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 131-моддаси 2-қисми билан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланган.

Кейинги пайтда йўлларда бошқа ҳайдовчиларга йўл бермаслик, пиёдаларга нисбатан ҳурматсизлик, қувиб ўтиш қоидаларини қасдан бузиш каби автомобиль бошқариш маданиятига амал қилмаслик каби ҳолатлар ҳам кузатилмоқда.

◄(Бошланиши 1-бетда)

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, 3 минг 107 та уй-жойнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари давлат экспертизадан ўтказилиши ўрнига хусусий экспертизадан ўтказилган. Шунингдек, 1 минг 434 таси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси рўйхатидан ўтмаган ва 185 тасида ноқонуний равишда қўшимча қават қўшилганлиги аниқланган.

Бундан ташқари 2025 йил 1 июлдан ўзбошимчалик билан қурилган бино-иншоотларни Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясидан рўйхатдан ўтказиш тўхтатилган бўлса-да, ноқонуний қурилишлар сони 213 тага ошган.

Аниқланган ҳолатлар қурилиш соҳасидаги давлат назорати ва бошқарувини янада такомиллаштириш, бинолар ва иншоотларнинг зилзилабардошлиги ва сейсмик хавфсизлигини кучайтириш заруриятини юзага келтирмоқда.

Шу маънода Олий Мажлис Сенатининг 17-яппи мажлисидада “**Қурилиш соҳасида давлат назорати ва бошқаруви янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартiriш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**”ги қонун муҳомадага киритилгани муҳим аҳамият касб этади. Мазкур қонун юқорида қайд этилган ҳолатларни бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилган. Айтиш керакки, янги қо-

нун билан Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, кўп квартиралли уйлари қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияларининг рухсатномасисиз қуриш учун жавобгарлик кучайтирилмоқда. Маъмурий жавобгарлик

қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса – уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши нормаси киритилмоқда. Шунингдек, янги қонун билан Шаҳарсозлик кодексига мастер-режаларни шаҳарсозлик ҳужжатларидан бири сифатида белгилаш билан боғлиқ қўшимча киритилмоқда. Мастер-режа ҳудудлардаги

рухсатнома бериш тартибига ўзгартirilмоқда.

Шунингдек, ушбу қонунга қурилиш-монтаж ишларини бошлаш ҳақидаги хабарнома юборилиши ўрнига қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳудудий инспекцияларидан ушбу ишларни бошлаш учун рухсатнома олинишини назарда тутувчи ўзгартишлар

мачининг ва муаллифлик назоратини амалга ошириш юзасидан ишлаб чиқувчининг ишларини текшириш, шунингдек, техник ва муаллифлик назорати сифатсиз амалга оширилган тақдирда, уларни жавобгарликка тортиш чораларини кўриш;

- электрон техник паспортлар асосида бинолар ва иншоотларни сейсмик жиҳатдан заифлиги бўйича таснифлашда, шунингдек, бинолар ва иншоотларнинг инструментал-техник текширувида ҳамда уларнинг зилзилабардошлигини оширишда иштирок этиш;

- қурилаётган бинолар ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш, шунингдек, мавжуд бинолар ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш учун зарур чоралар кўриш;

- сейсмик фаол зоналарда қурилиши режалаштирилаётган барча турдаги бинолар ва иншоотларнинг, шунингдек, кўп қаватли турар жойларнинг сейсмик жиҳатдан заифлигини баҳолаш учун зарур бўлган ахборотни ўз ичига оладиган электрон техник паспортларни шакллантириш каби қўшимча ваколатлар берилмоқда.

Мухтасар айтганда, ушбу янги қонун мавжуд ва қурилаётган бино ҳамда иншоотларнинг сейсмик бардошлилигини ошириш, зилзилаларни прогноз қилиш ва мониторингини юритиш, бу борада давлат органлари ва тегишли ташкилотлар ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлашга хизмат қилади.



Даъво институти

уни маъмурий судлар фаолиятига жорий этишнинг истиқболлари

◄(Бошланиши 1-бетда)

Ўзбекистонда маъмурий суд ишларини юритиш тизими босқичма-босқич такомиллаштирилмоқда. Бу жараёнда даъво институти ва даъво турларининг ҳуқуқий жиҳатдан мустақамланиши маъмурий судловнинг самардорлигини оширишга қаратилган муҳим ислохотлардан бири ҳисобланади.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонуннинг 5-моддасига кўра, фуқаролар ва юридик шахслар ўзларининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун маъмурий ишлар бўйича судга ариза (шикоят) билан мурожаат қилади. Яъни ҳозирги кунда маъмурий судга мурожаат бу борада давлат органлари ва тегишли ташкилотлар ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Президенти-нинг 2025 йил 30 январдаги қарори билан “**Ўзбекистон Республикаси маъмурий**

суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчилиқни такомиллаштириш концепцияси” тасдиқланган бўлиб, унда маъмурий суд иш юритувига даъво институтини киритиш орқали маъмурий органлар устидан бериладиган даъво турларини аниқ белгилаш, ҳар бир даъво тури бўйича иш юритишнинг ўзига хос процессуал қоидаларини назарда тутиш вазифаси белгиланган. Шу муносабат билан янги таҳрирдаги Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс лойиҳасида судга мурожаат қилишнинг даъво шакли ва даъво турлари белгиланмоқда.

Хўш, даъво институти нима? Даъво институти — шахсонинг бузилган ёки баҳсли ҳуқуқи, эркинлиги ёки қонуний манфаатини суд орқали ҳимоя қилиш ҳақидаги талабини ифодаловчи процессуал институтдир. Маъмурий суд ишларида даъво фуқаро ёки юридик шахснинг давлат органи, маҳаллий давлат ҳокимияти ёки мансабдор шахснинг қарорлари, ҳаракатлари ё ҳаракатсизлиги устидан судга мурожаат қилиш шакли сифатида намоён бўлади.

Даъво институтининг жорий қилиниши бир қатор муҳим вазифаларни ҳал этади: **биринчидан**, маъмурий судга мурожаат қилиш шаклини аниқ белгилайди; **иккинчидан**, даъвогар ва жавобгарнинг процессуал мақомини аниқлаштиради; **учинчидан**, суд муҳокама-си предметини белгилайди; **тўртинчидан**, суд қарорининг ижросини таъминлашга хизмат қилади; **бешинчидан**, суд амалиётида ҳуқуқий аниқлик ва барқарорликни таъминлайди. Маъмурий судловда турли хил ҳуқуқий низолар учрайди. Шу сабабли даъво турларини ҳуқуқий жиҳатдан ажратиш низоининг хусусиятига мос процессуал тартиб-

ни қўллаш имконини беради. Халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда маъмурий суд ишларини юритишда қуйидаги даъво турларини киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- низолашиш тўғрисидаги даъво. Ушбу даъво орқали даъвогар суддан маъмурий акт, маъмурий органнинг ижро ҳужжати ёки маъмурий шикоятнинг мустақил предметини ташкил этадиган маъмурий органнинг процессуал ҳужжатини тўлиқ ёки қисман бекор қилишни талаб қилиши мумкин;
- тақиқлаш тўғрисидаги даъво. Ушбу даъво орқали даъвогар суддан маъмурий органга муайян маъмурий актни, маъмурий органнинг ижро ҳужжатини қабул қилишни ёки муайян маъмурий ҳаракатни амалга оширишни тақиқлашни талаб қилиши мумкин бўлади;
- мажбурият юклаш тўғрисидаги даъво. Бу турдаги даъво давлат органини муайян ҳаракатни амалга ошириш ёки қонун бўйича тегишли вазифани бажаришга мажбур қилишга қаратилган бўлади. Масалан, лицензия бериш, рўйхатдан ўтказиш ёки маълумот тақдим этиш мажбурияти;
- тан олиш тўғрисидаги даъво. Ушбу даъво орқали даъвогар суддан маъмурий актининг, маъмурий органнинг бошқа ҳужжатининг ёки маъмурий ҳаракатининг гайриқонунийлигини тан олишни, шунингдек, маъмурий актни ҳақиқий эмас, деб топишни талаб қилиши мумкин.

Маъмурий судларда даъво институтининг жорий қилиш, ҳеч шубҳасиз, бир қатор ижобий натижаларни беради. Хусусан, бу янги институт суд ҳимоясининг самардорлигини оширади; давлат органларининг қонунийликка риоя қилиш масъулиятини кучайтиради; фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий кафолатларини мустақамлайди; суд амалиётининг бир хилда қўлланилишини таъминлайди; инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро стандартларига яқинлашишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, маъмурий судларда даъво институти ва даъво турларининг жорий этилиши мамлакатимизда ҳуқуқий афлия тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади. Ушбу институт давлат органлари фаолияти устидан самарали суд назоратини таъминлаш, фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, қонунийлик ва одил судлов принципларини мустақамлашга хизмат қилади. Даъво турларининг аниқ ҳуқуқий тартибга солиниши суд амалиётининг бир хил қўлланилишини таъминлайрайди. Шунингдек, ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшади.

Тун. Шаҳар шовқини аста-секин сўниб, одамлар уй-уйларига отланган маҳал. Кимдир ишдан кейин ҳордиқ чиқаришга ошиққан, яна кимдир эртанги кун режаларини тузиш билан банд. Аммо ўша тун кимнингдир ҳаётини алғовдалғов қилиб юборган аламли хотирага айланади.

Суд ҳужжатларида баён этилган воқеаларга назар ташласак, яққол бир ҳақиқат ойдинлашади: жиноят аввал инсон онгида туғилади, кейин ғаразли фикрга айланади. Сўнг бадбин режага ўтилади ва ниҳоят, қонун тақиқлаган амалга кўчади. Яъни 2024 йил 30 сентябридан – 1 октябрга ўтар кечаси Ангрен шаҳри ва Янгиобод маҳалласи орасидаги манзилда содир бўлган воқеа ана шундай тунги жиноятлардан бири бўлди.

Аввалига ҳаммаси оддий кўринган

Жиноятга жазо муқаррар

50 миллион сўмлик тузоқ



эди. Ёш қиз таниши Санжар Ҳамидовдан (исм-шарифлар ўзгартирилди) контракт пули учун ёрдам сўраб юрарди. С.Ҳамидов унга аввал ҳам бир неча бор қарз берган, кўмаклашган. Ўша кеча ҳам қиз учрашувга чақириб, бираўла кабоб олиб кели-

Ўқи сунистеъмол қилинган ишонч

шини илтимос қилди. Кейин эса, Ангрен шаҳрининг Янгиобод маҳалласи ҳудудида икки кунга ижарага олган хонадонга элтиб қўйишни сўради. С.Ҳамидов бундан ҳеч қандай шубҳага бормади.

Ярим тунда улар уч қаватли уйнинг учинчи қаватидаги хонадонга киришади. Қиз ичкарига ўтади. Санжар кўлидаги пакетларни қўйиб, чиқиб



ган шахс томонидан содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдоридорада жарима солишга ёки ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

кечирмайди

Оммавий ахборот воситаларида жамоат йўлларини пойга майдонига айлантирган ҳайдовчиларнинг қилмиши жиддий эътирозларга сабаб бўлмоқда.

Мазкур муаммонинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлик учун жазо муқаррарлигини таъминлаш мақсадида қонунчилигимизга қатъий ўзгартiriшлар киритилди. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси “**Йўл безорилиги**” дея номланган 128¹⁰-модда билан тўлдирилди.

Қонун талабига кўра, йўл безорилиги, яъни транспорт воситалари ҳайдовчиларининг бошқа транспорт воситалари ҳаракатига қасддан тўсқинлик қилиши, транспорт воситасини сабабсиз сирпантириши (дрифт), ўз йўналишида ҳаракатланиш бўлагини кескин равишда уч ва ундан ортиқ марта узлуксиз ўзгартiriш (бундан махсус ажратилган жойларда содир этиш мустасно) ёки йўл ҳаракати иштирокчилар-

рининг хавфсиз ҳаракатланишига таҳдид солувчи ёхуд транспорт воситасида йўл ҳаракатининг бошқа иштирокчиларига нисбатан ҳурматсизликда ифодаланган бошқа хатти-ҳаракатларни намоийишкорона содир этиши транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан бир йилдан икки йилгача муддатга маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдоридан ортиқ миқдордаги ҳуқуқ бузарлик транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этил-

Агар бу турдаги ҳуқуқбузарлик транспорт воситалари ҳайдовчиларининг шундай қилмишлари учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, улар уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланди.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шундан кейин иккинчиси ўзи қўл кўтариб, пастга тушди. Баччағарлар бир ҳафталиқ овкатни ғамлаб, оёқ узатиб ётадиган курси қўйиб, жойлашиб олган экан. Ордени шунда беришган. Э, укам, мен уриб туширмасам, бошқа биров уриб туширарди уларни. Мухими, омон қайтиб келдим.

Обид тоғамнинг урушдаги ҳаётидан билганим шу. Ўзича у ҳеч нарса гапириб бермас, сўралганда, бир-икки гап билан қисқача жавоб бериб қўяқоларди. Назаримда, болалари ҳам дадаларининг урушдаги ҳаётларидан мутлақо беҳабар қолиб кетишди.

Тоғам ўз феъли, одатларига бутунлай тескари касб билан шуғуллана бошлади. Урушдан олдин нима билан шуғулланган — билмайман, аммо урушдан қайтиб, ўша давр учун хавфли касб — қассобчилик қила бошлади. Тезаковдаги, аниқроғи, тоғамнинг кўчаларидаги кўпчилик эркаклар хуфя қассобчилик билан шуғулланишарди. Олис жойлардан, Қозғистон томондан иккита-учтадан қорамол олиб келиб уйда боқишар, бироз семиртириб сўйиб, гўштини Тезакон бозорида, Қўйлиқда бир кило, икки килолаб сотишарди. Албатта, бу иш даромад келтирмасе, бола-чақани боқмасе, ким ўзини ўт билан ўйнашга мажбур қилади? Тоғам ҳам шу йўлни танлади. Сайрам, Туркистон, Турбот томонлардан иккитами-учтами новвос олиб келарди. Баъзан бокиб ўтирмасдан, баъзан бирон ҳафта семиртириб, сўярди. Кейин бироз совутиб, майда-майдалаб, эринмасдан бир кило, ярим кило, икки килолиқ бўлакларга ажратиб, эски қоғозларга ўрайдилар. Тўрва-тўрва қилиб тахлаб, Зухра келинойим (хотинлари), Рауф



(катта ўғиллари), яна кимларнидир бозорга жўнатади. Милиция ҳайдамасдан, тинч, омон-эсон гўшт сотилса, ҳаммани севинч қоплайди. Ош қилинади, фойдага қолган молнинг калласи, ичак-чавоғи қайнатилиб, ҳасип солиниб, қариндошлар қақрилади. Нон ёпилади. Битта-яримта қўлга тушиб қолса, мўлжалланган даромадга уйдаги бор пул қўшилиб, милициядан, прокурордан қутулиш чораси кўрилади.

Тоғам бир-икки марта камалиб ҳам чиқдилар. Тоғам камалиши билан Зухра келинойим бизни-кига югуриб келарди. Дадамдан тоғамни қутқариб олишни илтимос қиларди. Дадам ёрдам берардилар. Бор танишларини ишга солиб, қутқариб олардилар. Шунда доим дадам билан тоғам орасида бир хил гап бўларди:

— Обиджон, ука, бўлди энди, бошқа иш қил. Бунақада хонавайрон бўлиб кетасан. Ўзим иш топиб бераман.

— Хўп, почча, бошқа бунақа иш қилмайман, — ваъда берарди тоғам.

Аммо бу гап эди. Икки-уч кун ўтиб, тоғам яна эски касби билан шуғулланарди. Болаларининг деярли ҳаммаси тоғамнинг йўлидан кетишган.

Ҳозир шу тоғамнинг қийналганларини эслаб, илгариги тузумдан хафа бўлиб кетаман. Қассобчилик қилиб, икки-уч маҳалладаги одамларни янги гўшт билан таъминлаган одамни нега энди қўвгин қилиш, уни халқ мулкига тажовуз қилган одамдек айблаш керак экан? Тўрта-бешта дўкон очиб, очиқ-ойдин гўштни, қазми-қартами сотиб ўтирса, кимга зарари тегарди? Ҳозир шундай қилинганми-ку?

Эсимни таниганимдан бери ўзбек йигитлари, умуман, эркакларнинг фабрикада тикилган дўппидан кийганларини эслолмайман. Фабрикада машинада қинғир-қийшиқ ўзбек дўппичилигини оёқ ости қиладиган, обрўсини туширадиган

дўппиларни, расми учун, миллий туси учун чет элликлар эсдалик, деб олишади. Аммо биронта ўзбек уни киймайди. Демак, етмиш йил ўзбеклар хуфя тикилган дўппи кийиб келишди. Хуфя сотилган гўшт, хуфя сотилган нон еб келишди. Ўзбек тандир нони билан савдо қилганлар бир йилда неча мартадан бозорлардан ҳайдалганларини ҳамма новвойлар яхши билишади.

Ачиниб айтмоқчи бўлган гапим шуки, Обид тоғам уруш ветерани, бола-чақасини боқиш учун, тирикчилигини ўтказиш учун ўлимига қадар юрагини ховучлаб ўз севган касби билан шуғулланди. Бирон кеча уйкусида ҳаловат бўлмаган бўлса керак, деб ўйлайман уни эслаганимда.

Зухра келинойим қазо қилганларидан кейин тоғам ҳам, худди Қори поччам сингари узоқ ёлғизликда яшай олмади. Тўғрироғи, умр йўлдошларисиз яшай олмади. Кўп ўтмай, бир оёғи, бир қўли ишламайдиган бўлиб қолди. Шунда бориб кўрдим. Узоқ гаплашиб ўтирдим.

Шундан кейин кўп ўтмай, келинойимнинг ёнларига тоғам шошилинч йўл олганини эшитдим. Тоғам, меҳнатқаш, очиқ табиатли, мард одам эди раҳматли, жойи жаннатда бўлсин. Болаларга нисбатан оталик бурчини тўла адо этиб кетди. Дамарикнинг тепасидаги қўрғон бузиладиган бўлганидан Кўкча томондан ҳамма ўғилларига жой қилиш ниятига тушди. Аммо бу осон эмас эди. Уч ўғил ҳозир билишимча, ҳовли-жойли. Икки ўғил аэропорт яқинидаги, эски Дамарикдаги кўп қаватлик иморатлардан квартира олишган. Билишимча, ҳаммасининг турмуши яхши, бола-чақали, баъзилари неваре, чеварали бўлиб кетишган.

(Давоми келгуси сонда)

◀ (Бошланиши 5-бетда)

Бу энди баъзан одам асабини жиповлай олмаганда рўй берадиган оддий жанжал эмас эди. Бу — ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли зўрлик ишлатган ҳолда мулкни талон-торож қилишга қаратилган, Жиноят кодексининг 164-моддасида назарда тутилган босқинчилик жинояти эди.

Аммо ушбу воқеадаги энг муҳим нуқта бошқа ерда: жабрланувчининг чўнтагида атиги 8,5 миллион сўм қолганди. Автомашинасида эса, 50 миллион сўм нақд пул сақланаётган эди.

Ўша пулларни С.Ҳамидов бир кун аввал отасидан олганди. Улар уй қуриш ишларини бошлаган бўлиб, шунга керакли қурилиш материаллари харид қилишни режалаштирган эдилар. Яъни бу маблағ ортида бир оиланинг меҳнати, режаси ва келажака бўлган умиди мужассам эди.

Суд материалларига кўра, босқинчилар С.Ҳамидовга ҳужум қилгандан сўнг айнан шу 50 миллион сўм, «iPhone 15 Pro Max» телефони ва «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти томонидан берилган хизмат гувоҳномасини тортиб оладилар.

Шу ўринда савол туғилди: нега ҳужум айнан шу кеча содир бўлди? Нега жабрланувчи айнан ўша хонадонга қақирлиди? Босқинчилар унинг қаерга бориши, қайси машинада келиши ва ёнида ким бўлиши ҳақида қандай қилиб олдиндан хабар топган?

Аслида, С.Ҳамидов ўша хонадон эшигини бузиб кирмаган. Уни бу ерга ўзи хур-

мат қилган бир неча йиллик таниш инсонга бўлган ишонч туйғуси бошлаб келган.

Суд йиғилган далиллар, телефон алоқалари таҳлили, гувоҳлар кўрсатмалари ҳамда бошқа ашёвий далилларни батафсил таҳлил қилиб, бу жиноят олдиндан режалаштирилган ҳолда со-

манзил танланган, алдамчи кўнғироқлар қилинган, қисқача айтганда, барча ғаразли мақсад ва ҳаракатлар мувофиқлаштирилган. Суд бу ҳолатларни олдиндан тузилган жиноий режа сифатида баҳолади.

Албатта, ҳар қандай жиноят ишида жабрланувчи

деворлари, томи ва оила режаларининг бир қисми эди.

Ўша кеча С.Ҳамидовни ниқоб таққан одамлар ўраб олган эди. Аммо ҳаётнинг қизиқ қонуни бор: ниқоб инсоннинг юзини яшириши мумкин, қилимишини яшира олмайди.

Судда ўрганилган ҳолатлар занжирига назар ташла-



ёки

СУНИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНГАН ИШОНЧ

дир этилган деган хулосага келди. Ҳукмда ҳатто вояга етмаган шахснинг жиноятга жалб қилингани ҳам алоҳида қайд этилди.

Суд ўз сўзини айтди — жиноятга ҳуқуқий баҳо берди, айбдорлар жазоланди.

Бу воқеа ёшларга шундай огоҳлик беради: мўмай пул ҳеч қачон осон йўл билан келмайди. Унинг ортида катта меҳнат туради. Ота-оналарга эса, яна бир ҳақиқатни эслатади: фарзанднинг бир-бутун оила тақдирига салбий таъсир қилиши мумкин.

Аниқланган ҳолатлардан кўринишича, воқеа тасодифан юз бермаган: ижарага хонадон қидирилган, қулай

бўлади. Лекин баъзи жиноятларда энг катта жабр икки ўртадаги ишонч зиммасига тушади. Ўша кеча ҳам бир инсон яқин танишига молиявий ёрдам беришга мақсадида, ички ишонч билан йўлга чиққан. У қаршисидаги одамни душман эмас, аввалдан таниш, демакки, ўзлар синашта инсон деб билган. Шунинг учун ҳам, у ҳеч нарсасдан шубҳаланмаган.

Ҳеч кимга сир эмаски, 50 миллион сўм — оддий рақам ёки кичкина пул эмас. Зеро, ҳар бир рақамнинг ортида инсон умри, унинг бир неча йиллик меҳнати, оиласининг орзу-умидлари туради. С.Ҳамидов учун бу маблағ келажақда қурилаётган уйнинг

сангиз, баъзи воқеаларнинг ташқи кўриниши билан ички мантиғи ўртасида қанчалар катта фарқ бўлиши мумкинлигини англайсиз. Ўша кеча ҳам ҳаммаси оддий илтимосдан бошланганди. Қиз аввал Санжарга телефон қилади, кейин учрашув тайинлайди. Ижара олинган хонадон манзилини айтади, йўлни ҳам ўзи кўрсатиб боради. Ҳеч нарсасдан шубҳаланмаган Санжар эса, бу чақирувни яхшиликка йўяди. Унинг ҳаёлида қарз сўраган танишига кўмак беришдан бошқа ўй йўқ эди.

Ҳукмда қайд этилганидек, хонадонга биринчи бўлиб қиз кирган. Орадан кўп ўтмай, ҳодиса бошланиши арафа-

сида у ҳожатхонага кириб кетган. Айни шу лаҳзаларда эса, эшик ортида бошқа бир сценарий ҳаракатга келаётган эди. Ниқобли шахслар бостириб кирганидан кейин қиз кўринмай қолади.

Буларнинг бари олдиндан ўйланган жиноий режа эди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур жиноят иши нафақат бир шахсга нисбатан содир этилган босқинчилик ҳолати, балки жамият учун муҳим маънавий-маърифий ва ҳуқуқий сабоқ ҳамдир. Чунки ҳар қандай жиноий хатти-ҳаракат, аввало, қонунга, ҳалолликка ва виждонга нисбатан ҳурмат сусайган жойда пайдо бўлади.

Нафс ва осон йўл билан бойиш истаги ақл ва инсофдан устун келган пайтда эса, инсон нафақат бошқаларнинг мулкига, балки ўз тақдирига ҳам тажовуз қила бошлайди. Бу воқеа яна бир бор шуни кўрсатдики, бир лаҳзалик манфаат деб қилинган ноқонуний ҳаракат оқибатида йўллар давомида тўпланган обрў, эркинлик ва келажақ имкониятлари йўқотилиши мумкин.

Шу боис ҳар бир фуқаро қонунга итоат қилиш нафақат ҳуқуқий мажбурият, балки маънавий масъулият эканини теран англаши лозим. Зеро, халқимизда: «Ҳалол меҳнат — давлат, ҳалоллик — саодат», деган ҳикмат бор. Ҳаёт тажрибаси ҳам шуни кўрсатадики, йўқотилган мол-мулкни қайта топиш мумкин, аммо бир марта доғ тушган виждон ва ишончни тиклаш учун баъзан бутун умр ҳам камлик қилади.

Адолат ҲАМРОЕВА,
жиноят ишлари бўйича
Ангрен шаҳар суди судьяси

Мулоқот

Савол беринг,
жавоб берамиз

— Баъзан муайян сабабларга кўра, гаровга қўйилган мол-мулкни йўқотиб қўйиш ёки унга шикаст етказилиши мумкин. Айтинг-чи, бу қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради?

В. ТОШТЕМИРОВ,
Тошлоқ тумани

— Сизнинг саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, бундай ҳолатлар бўйича келиб чиққан низо-лар ва унинг оқибатларини ҳал этиш тартиблари Фуқаролик кодексининг 275-моддасида белгилаб қўйилган. Жумладан, ушбу модда талабига кўра, агар гаров тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаровга қўювчи гаровга қўйилган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки шикастланиши хавфини ўз зиммасига олади.

Авваломбор, шартномада гаровга олувчининг гаров нарсаси йўқолиши ёки шикастланиши туфайли гаровга қўювчига етказилган бошқа зарарни тўлаш мажбурияти назарда тутилиши муҳим талаблардан бири ҳисобланади.

Агар гаровга олувчи жавобгарликдан озод этилиши мумкинлигини исботлай олмаса, у ўзига топширилган гаров нарсасининг бутунлай ёки қисман йўқолганлиги ёхуд шикастланганлиги учун жавобгар бўлади.

Шуни назарда тутиш керакки, гаров нарсаси гаровга олувчига топшириш чоғида қанча суммага баҳоланган бў-

лишдан қатъи назар, гаровга олувчи гаров нарсаси йўқолганлиги учун унинг ҳақиқий қиймати миқдорида, гаров нарсасига шикаст етказилганлиги учун эса, бу қиймат қанча суммага қамайган бўлса, шунча сумма миқдорида жавоб беради.

Агар гаров нарсаси шикастланиш натижасида ундан бевоСИТА ўз вазифаси бўйича фойдаланиш мумкин бўлмайдиган даражада келиб қолган бўлса, гаровга қўювчи ундан воз кечишга ва унинг йўқолганлиги учун ҳақ талаб қилишга ҳақли бўлади.

Гаров нарсасини алмаштиришга, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, фақат гаровга олувчининг розилиги билан йўл қўйилади.

Бинобарин, гаров нарсаси нобуд бўлган ёки шикастланган ёхуд унга бўлган мулк ҳуқуқи қонунда белгиланган асосларга кўра, бекор қилинган бўлса, гаровга қўювчи оқилона муддатда, низо келиб чиққан ҳолларда эса, суд белгиланган муддатда гаров нарсасини тиклаши ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, уни тенг қийматли бошқа мол-мулк билан алмаштириши мумкин.

— Айтинг-чи, судларда ишларни кўришда судьяларнинг такрор иштирок этиши бирон-бир ҳуқуқий оқибатни келтириб чиқарадими? Илтимос, шу ҳақида маълумот берсангиз?

Т. БЕКМИРЗАЕВ,
Қарши шаҳри

— Сизнинг саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, амалдаги қонунларда кўра, ишни кўришда судьянинг такроран иштирок этишига йўл қўйилмайдиган ҳолатлар аниқ белгилаб қўйилган.

Процессуал қонунчиликка биноан, ишни биринчи инстанция судида кўришда иштирок этган судья, агар суднинг ҳал қилув қарори апелляция ёки кассация ёхуд тафтиш инстанцияси суди томонидан бекор қилинган бўлса, шу ишни биринчи инстанция судида янги-дан кўришда иштирок эта олмайди. Бироқ шу иш бўйича янги очилган ҳолатлар вужудга келган бўлса, ушбу ишни кўришда қайд этилган талаблар мустасно бўлиб, судьянинг иштирокини истисно қилмайди.

Ишни биринчи инстанция судида кўришда иштирок этган судья, шунингдек, ишни апелляция инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья ёки ишни кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи

инстанция ёки апелляция ёхуд тафтиш инстанцияси судида кўришда иштирок этишига ҳақли эмас.

Шунингдек, ишни тафтиш инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья ҳам шу ишни биринчи инстанция, апелляция ёки кассация инстанцияси судида кўришда ёхуд ишни юқори инстанция судида тафтиш тартибиде қайта кўришда иштирок эта олмайди.

Жиноят процессуал қонунчилик талабига биноан, агар судья илгари шу ишни юритишда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд мажлисининг котиби сифатида иштирок этган бўлса, ўша ишни келгусида кўришда қатнаша олмайди.

Жиноят ишлари бўйича ишни кўришда ҳам судьянинг такрор иштирок этишига йўл қўйилмайдиган ҳолатлар Фуқаролик, Иқтисодий процессуал ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларда белгиланган талаблар тааллуқли бўлади.

Саволларга Тошкент вилояти суди судьяси
Нодира Зияева жавоб берди.

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам билан
рўйхатдан ўтган.



ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Алишер УСМАНОВ
Акрам ШУКУРОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ
Маликаҳон ҚАЛАНДАРОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ
Жамшид САДИНОВ
Муродулло ҚОДИРОВ
Замира ЭСАНОВА
Азиз АБИДОВ
Обомурод РАЙИМОВ

Сахифаловчи:

Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилмиз: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота
кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-715 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 3000
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 20⁰⁰. Топширилди: 22⁰⁰.